

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 137 (9.329) 1999 йил 24 ноябрь, чоршанба Сотувда эркин нархда

САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ БУГУН биз Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партиясининг сайловолди дастурини эълон қилмоқдамиз. Ушбу сонда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига «Ватан тараққиёти» партияси томонидан кўрсатилган айрим номзодлар ҳақидаги сайловолди ташвиқот материаллари тақдим этилмади. Бунинг боиси партиянинг Тошкент шаҳар бўлими депутатликка кўрсатилган айрим номзодлар хусусидаги материалларни тахририятга ўз вақтида тақдим этмади. Шу сабабли биз бугун ушбу партиянинг сайловолди дастурини эълон қилиш билан кифояланмоқдамиз.

1999 САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН 2000 Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловларга 11 КҮН ҚОЛДИ 46 КҮН ҚОЛДИ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига

ДАВР САДОСИ БАРЧА МАМБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ АХБОРОТЛАР

Қўнғироқларингизни кутамиз ҲАҚИҚИЙ ФИДОЙИЛАР БЎЛСИН

— Ҳаётимда неча марта овоз берган бўлсамда, бу йилги сайловни ўзгача интиқлик билан кутаяпман, — дейди телефон гўшагини кўтаришимиз билан Акмал Икромов туманидан кўнғироқ қилган Мавжуда ая Толипова. Негаки, бу сайлов аввалгиларидан тубдан фарқ қилиши бугун кўзгичан давом этаётган тайёргарлик ишларидан кўриниб турибди. Биз бир оиладан 6 киши овоз берамиз. Энг ишончли, юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги учун қайғурадиган ҳақиқий номзодга овоз беришга қарор қилдик. Номзод танлашда эркинлик, уларни тўлиқ ўрганишдаги яратилган шарт-шароитлар бизни қувонтирмақда. — Айниқса, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар ичида аёлларнинг ҳам кўпчилиги мени ниҳоятда руҳлантириб юборди, — деб сўзлади муаллима Гулсара Одилова. Бу хотин-қизларимизнинг жамият ҳаётидаги роли янада ошиб бораётганидан далолатдир. Улар она, аёл сифатида хотин-қизлар олдида турган муаммоларни кўпроқ тушуниб, дилдан ҳис этади-да. Миробод туманидан телефон қилган 18 ёшли Дилдора Бўтаеванинг ҳам қўнғичи чексизлиги телефондаги хаяжонидан сезилиб турибди: — Мустақил юрт фуқароси сифатида ўзим хоҳлаган номзодни танлаб биринчи бор овоз бераман. Ўзим талабаман. Истардимки, мен овоз берган номзод халқимизнинг ташвиши билан яшасин ҳамда ўз фикрини, сўзини тўғри уқтира оладиган бўлсин. Сайловларга тайёргарликдан шу нарса сезилиб турибдики, сайлов бу — халқимиз, Ватанимиз тақдирidir. Шунинг учун барча тенгдошларимни юртимизнинг энг муносиб одамлари учун овоз беришга чақираман. Чунки биз ўз тақдиримизга бефарқ бўлолмаймиз. — Истардимки, мен овоз берган депутат ҳақиқатдўй, чин фидойи бўлсин, — гўшакдан эшитилган овоз шундай жарағлади. — Мен оддий ишчи Сирожиiddин Умаровман. Сергели туманида яшайман. Номзодликка рўйхатга олинган баъзи раҳбар ходимларнинг «Мен ундок қилдим, бундоқ қилдим» дейиши одамнинг гашини келтиради. Чунки бу унинг қиладиган вазифасидан келиб чиқадику. Шунинг учун номзод мақтанамисин, дилида, тилида юрт мезри ёнсин.



Ҳамза туманидаги 32-Содиқ Азимов округ сайлов комиссияси раиси Турсун Мухамедов (чапдан иккинчи) комиссия аъзолари билан сайловолди ташвиқот ишларини ташкил этиш юзасидан маслаҳатлашмоқда.

Илҳор БИРИНЧИ МАРТА

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Республика Олий Мажлиси, маҳаллий кенгашлар депутатлигига сайловларда овоз бериш ҳам шарафли, ҳам масъуляти бурчдир. Сайлов тўғрисидаги қонунларга мувофиқ 18 ёшга тўлган фуқаролар сайлов ҳуқуқига эгадирлар. Айниқса умрининг биринчи марта овоз берар экансан, қалбинг чуқур халқжон чексиз гўрғурга тўлади. Биз илк бор овоз бераётган айрим халқимизнинг дил сўзларини ёзиб олдик.

Дилфаруз АКМАЛОВА, Тошкент Давлат педагогика университети мактабгача тарбия факультетининг 2-курс талабаси:

— Сайлов ҳаётимдаги муҳим воқеадир. Айнан сайлов орқали фуқаролар ҳокимият органлари ва улар оlib бораётган сивасатта ўз муносабатларини билдириши имкониятига эга бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, ҳокимият вакиллик органларига сайловлар жараёни тобора авж олиб бормоқда. Давлатимиз равнақини юксалтириш мақсадида муносиб номзодларга овоз бериш ҳар бир онгли инсоннинг фуқаролик бурчи эканлигини биз ёшлар ҳам яхши биламиз. Ҳаётимда илк бор ана шундай масъуляти бурч меннинг ҳам зиммамга юкланаётганидан жуда бахтиёрман. Ҳар биримиз мустақил овозимиз, мустақил қарарларимиз, фикримизни эркин ифодалаш, номзодларни танлаш имкониятига эгамиз. Сайловларда қатнашар эканмиз, бу йилда биз ўз эртамизни, келажакимизни ҳам танлаймиз, белгилаймиз. Бу тарихий воқеани Ўзбекистонимиз учун улкан сийёсий аҳамиятга эга эканлиги эса шакшубҳасиздир.

КИМНИ САЙЛАШНИ БИЛАМИЗ

27-Дўстлик сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатлигига номзод рўйхатга олинганлар Сергели туманидаги 304-мактабда сайловчилари билан учрашдилар.

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлис ҳамда туман, шаҳар, вилоят Кенгашлари депутатлигига ўтказиладиган сайловларда округимиздан 25 минг сайловчи иштирок этади, — деди 27-Дўстлик сайлов округи раиси Комилжон Толипов. — Биз кимга овоз беришни яхши биламиз, дейди сайловчиларимиз. Албатта халқ дарди билан ёниб яшайдиган ва уларнинг манфаатларини кўзлайдиган, қонунлар яратишга салоҳияти етадиган шахсларнигина депутатликка сайлаймиз. Мазкур округдан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига Фидокорлар Миллий демократик партиясидан ТошДУ журналистика факультети қошидаги Илмий-услубий марказ директори Шавкат Иброҳимов, ташаббускор гурӯҳ вакилидан «Тошшаҳар-Юксалтириш» Давлат уюшмаси «12-Автобус саройи» бошқаруви раиси Қудратилла Зикиров, Халқ демократик партиясидан Сергели туманидаги «Новатор» ишлаб чиқариш фирмаси директори Шамил Герфановларнинг номзодлари кўрсатилган. Учрашувда номзод Ш. Иброҳимов сўзга чиқиб, ўзининг сайловолди дастурида ёшларни иш билан таъминлаш ва уларни қайта ўқитиш масалалари ўрин олганлигини, К. Зикиров эса шаҳар аҳолиси транспорт хизматини яхшилаш муаммоларини ҳал этаётганлиги хусусида, Ш. Герфанов чет эл инвестициясини жалб этиш ва иқтисодиий ислохотларни жадаллаштиришга ҳисса қўишини мақсад қилиб олганлигини таъкидлаб ўтдилар.

БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ ОЛИШДИ

Темирўйчулар маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи 8-Миробод сайлов округи сайловчиларининг номзодлар билан учрашуви ўтказилди. Учрашувда 163, 164, 165, 166, 167-участка сайловчилари ҳамда шу округ таркибидан бўлган бошқа сайлов участкаларининг раислари, мажлис депутатлигига номзодлар Хайрулла Акбаров, Дильдар Алимбекова, Абдуманап Алимбоев, Сергей Ким, Шухрат Мухамедханов, Никита Попадков, Сарвар Кадировлар ҳақида батафсил маълумот олишга муваффақ бўлишди. Сайловолди учрашуви савол-жавоб ва фикр-мулоҳазаларга бой бўлди.

МЭН ОРЗУ ҚИЛГАН ДЕТУШЛАМ

Ростгўй бўлса, бўлса меҳрибон. Дўст бўлса, у жондек қадрдон. Кибр-ҳаво бўлса кўп йироқ, Диёнатин айласа чироқ. Юрт ичиде қолмас муаммо, Ҳар мушкулга топилур даво. Мулойимлик бўлса ширин, Жўнса қалбда виждони, ори. Вазмин бўлса ҳар ишда содиқ, Фарзанд бўлар Ватанга лойиқ. Оқиқ юз билан сўйласса у, Халқ бахтини кўп ўйласа у, Жон-дил билан сайлағум уни, Фахр билан сайловлар кунин. Норқол ТУРСУНОВА.

ДАСТУРЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШДИ

Айни кунларда шахримиздаги сайлов участкаларида сайловчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда.

Мана шундай учрашувлардан бири кунча кеча Шайхонтоҳур туманидаги 13-мактабда жойлашган етти участкани қамраган 45-Каттабўғ сайлов округида бўлиб ўтди. «Янгиобод», «Зангиота», «Камолон», «Эшонгузар», «Каттабўғ», «Самарқанд Дарбоза» маҳаллалар аҳолиси, маҳалла оқсоқоллари, туман ҳокимлиги вакиллари ҳамда сайлов участкаси аъзолари йиғилган залга Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар С. Абдурахмонова, А. Абдусаматов, А. Ортиқов, М. Гаюбов, Х. Маъсудовлар таширф бўлишди. Тадбирни 45-Каттабўғ сайлов округи раиси Аҳмад Жумабоев кириш сўзи билан очиб, ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим демократик жараён бўлиши сайловларнинг аҳамияти, халқчиллиги тўғрисида ахборот берди. Сўнг сўзга чиққан номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари йиғилганларга келгуси режалари, ўз сайловолди дастурлари ҳақида сўзлаб бердилар. Қизғин ва мароқли ўтган бу учрашувда сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар. Дилбар ҲАМИДОВА.

МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга Венгриянинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Энрè Кешкен, Ирландиянинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Давид Донохью, Россиянинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Дмитрий Рюриков ишонч ёрликларини топширишди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Корхоналар банкотлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Мадлен Вилкинс бошчилигидаги Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти делегацияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида бўлиб, сайловлар жараёнига тайёргарликнинг бориши билан танишди. Шаҳрихонда «Ривож-Норинда» деб номланган Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонаси махсулот бера бошлади. Бу ерда кунига 70 минг дона пластик идишларга солинган шифобахш маъданли сув ишлаб чиқариламоқда. Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетига япон тили бўлимининг очилиш маросими бўлди. Айни вақтда университетда 45 талаба япон тилини ўрганмоқда. Тошкент солиқ коллежиде немис мутахассислари иштирокидаги ўқув семинари бўлиб ўтмоқда. Қорақалпоғистоннинг Тахтақўпир туманида қорақалпоқ мумтоз адабиётининг ёрқин сиймоси Аҳиниёз Қўсбой ўғли таваллудининг 175 йиллигига бағишланган ёш бахшларнинг кўрик-танлови ўтказилди. Бугун Ўзбекистон Бадий академиясининг Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтига «Ўзбекистонда дизайнлар тайёрлаш муаммолари» мавзусида илмий-услубий семинар ўтказилди. Ўртага Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий курғазмалар залида Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Дамир Рўзибоев яратган асарлари курғазмаси очилди.

ЖАҲОНДА

Кеча Арманистон Бош вазири А. Саркисян мамлакат парламентида янги ҳукуматнинг ҳаракат дастурини тақдим этди. Куба пойтахти Гаванада олий даражадаги Ибероамерика тўққизинчи учрашуви якунланди. Унда деярли йигирмага яқин Лотин Америкаси, шунингдек, Испания, Португалия мамлакатлари раҳбарлари иштирок этдилар. Кеча Қозғистон Президенти Нурсултон Назарбаевнинг Хитойга расмий таширфи бошланди. Украина Президенти Леонид Кучма парламентга Валерий Густовоенко номзодини вазирлар кенгаши бошлиги лавозимига тақдим этиш режасида эканлигини айтди. Кеча Исроил Бош вазири Ехуд Барак таширфи билан Лондонга келди. Унинг Буюк Британия Бош вазири Т. Блэр билан учрашуви чоғида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш тўғрисида, Яқин Шарқ моjarосини ҳал этиш йўллари хусусида сўз борди. 29 ноябрь кунини Малайзияда мундтаддин олдин парламент сайловлари бўлиб ўтади. Номзодларни рўйхатга олиш ҳафта бошида тўхтатилди. Кеча АҚШ Президенти Билл Клинтон Косовога келиши билан ўзининг Жануби-шарқий Европа бўйлаб таширфини ниҳоясига етказди. Кўп йиллик танаффусдан сўнг Буюк Британия Ливия билан кенг қўламли дипломатик муносабатларни ўрнатадиган бўлди. Бугун Москвада Россия, Арманистон ва Озарбайжон мудофаа вазирларининг Арманистон — Озарбайжон чегарасидаги ўт очиниш тўхтатиш режими кучайтириш масалаларига қаратилган уч томонлама учрашуви бўлиб ўтади. Украинадаги 200 дан зиёд аҳоли яшайдиган жойлар кучли қор ёғиши оқибатида электр қувватисиз қолди. Об-ҳаво тўғрисидаги маълумотларни берувчилар об-ҳавонинг ёмонлашувини айтмоқдалар. Бугун Манилада АСЕАН мамлакатлари раҳбарларининг норасмий саммити ўтказилди. Унда Индонезиянинг янги Президенти А. Вохид ҳам қатнашди. Бугун Қоҳирада анъанавий XXIII халқаро кинофестиваль очилди. Кеча футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма командаси Бирлашган Араб Амириклари пойтахтида 2000 йилда Ливанда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати саралаш мусобақаларининг навбатдаги учрашувида Шри-Ланка терма командасининг Бангладеш терма командаси каби 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Узок изланишлардан сўнг немис олимлари уйқуда хуррак отиш соғлиққа зарар келтирмади, деган хулосага келдилар. Француз гинеколог Франкос Пейлнинг тасдиқлашича, туғилмак фарзанднинг жинси ота-онанинг қандай овқатланишига боғлиқ экан. Шифокорнинг маслаҳати қараганда агар сиз қиз фарзанд кўришни истасангиз кўпроқ сутли таомларни истеъмол қилишингиз керак. Ундан тайёрланган таомлар ҳам фойдали, кўк ўт-ўнлар, мева-сабзавотларни тамадди қилиб туриш қиз фарзанднинг дунёга келишини 80 фоиз таъминлар экан.



АКАДЕМИК АЛОҚА ЛИЦЕЙИ ОЧИЛДИ

Кеча пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида Тошкент алоқа электротехника институтига қарашли академик алоқа лицейи очилди. Янги ўқув йили бошланган вақтда шахримизда бирварақайига 26 та янги академик лицей ва касб-хунар коллежлари фойдаланишга топширилган эди. Эндликда уларнинг сони яна кўпайиб бормоқда. «Тошкентуйюинвестуриш» корпорациясининг «159-трести» акционерлик жамияти 8-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари томонидан барпо этилган мазкур замонавий ўқув даргоҳида 375 нафар ўқувчи таълим олади. Мазкур лицейнинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев юртимизда ёшларнинг билим олиб, хунар ўрганишлари учун Юртбошимиз томонидан алоҳида аҳамият берилётганлиги ҳақида тўхтади. Лицейнинг очилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Эркин Эризааров ва «159-трест» акционерлик жамияти раиси Ринат Сафариевлар ҳам сўзга чиқушди. Тантанали равишда лицей калити ўқув маскани директори Рўза Буруновага топширилди. Кенг ва ёруқ спорт зали, мажлислар зали, ҳар бир фан учун алоҳида жиҳозланган ўқув хоналари, ЭЖМ ва информатика хонасидаги компьютерларнинг барчаси, бир вақтнинг ўзида 100 кишига хизмат кўрсата оладиган ошхона ўқувчилар иктирига топширилди. Ишончимиз қомилки, келажакда бу лицейдан юқори малакали, замонавий техникалар билан ишлай оладиган алоқа мутахассислари етишиб чиқади. Гули АБДУЛЛАЕВА.



СУРАТЛАРДА: Академик алоқа лицейининг очилиш маросимидан лавҳалар. Рустам Шарипов олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА ЎЗБЕКИСТОН «ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ» ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРГА

ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

Бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек халқи учун XX аср — мустақилликка эришиш ва ўз давлатчилигини қайта тиклашдек эзгу орзу-умидлари ушалган давр бўлди. Халқимизнинг ана шу асрий орзу-умидлари амалга ошиши учун олиб борилган кураш асримизнинг сўнгги ўн йиллигида ўз манфиатини яқини топи — дунё харитасида мустақил Ўзбекистон давлати пайдо бўлди. У тарихан қисқа давр ичида мустақилликни мустақамлаш, тараққиёт ва яратувчилик йўлидаги ўз шижоати билан халқро миқёсда эътироф этилди. Ҳаётнинг асрнинг айнан ана шу сўнгги ўн йиллигида мамлакатимизни янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари пойдевори қурилди. Эришилган ҳуқуқий негиз асосида мустақам мафкура ва фаровонлик қарор топган, ҳар томонлама ривожланган баркамол жамият барпо этиш «Ватан тараққиёти» партияси фаолиятининг мазмунини ташкил этади.

Бу улғу мақсад ҳар бир фуқародан ижтимоий фаоллик, ватанпарварлик, эзгулик ва адолат идеалларига садоқат, янгиликка интилишни, мамлакатимизнинг барча ижтимоий кучларидан демократик ислохотларда ҳолис ният ва соф виждон билан қатнашишни талаб этади. «Ватан тараққиёти» партияси айна шу мақсадни кўзлаган зиёлилар, тadbirkorлар ва ёшлар ташаббуси билан 1992 йилда ташкил топган эди. У биринчи қақриқ Олий Мажлисга сайловларда ягона муқобил партия сифатида қатнашди. Ташкил топган даврдан буён партия мураккаб тикланиш йўлини босиб ўтди ва жамиятни парламент йўли билан ривожлантиришда иштирок этиш борасида муайян тажриба ортттирди.

Партияимиз мамлакатни тараққиётнинг янги босқичига олиб чиқиш ва одамлар турмуши буюк ажодларимизнинг васиятларига муносиб бўлишига эришишдек эзгу ниятлар билан XXI асрга пешвоз бормоқда. Партия бу мақсадга эришишнинг яққо-ягона йўли Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатни қарор топтиришдан иборат, деб билади. Айна шу шунинг учун ҳам «Ватан тараққиёти» партияси ақл-заковатли, Ватанга содиқ, куч-ғайрат ва шижоатга тўла фозил инсонларни ўз сафларида бирлаштириди, парламент ва маҳаллий вакиллик органларида халқ манфаатлари ва тараққиёт учун самарали фаолият олиб бориш вазифасини зиммасига олади.

«Ватан тараққиёти» партияси ўз сайловолди дастурини амалга оширишда қуйидаги ғояларга асосланади:

эркинлаштириш — фуқаролар, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин фаолият юритиши; фикрлаш ва қарашларини ифодалаш эркинлиги; ўзгача дунёқарашга ва ўзгача фикрловчиларга муроа билан ёндашиш;

демократия — Конституцияимизда қайд этилган «Халқ — давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир», деган тамойил асосида ҳокимиятнинг барча бўғинларида сайлаш ва сайловчилар олдида мунтазам ҳисоб бериш бориш тизимига ўтиш, улар устидан халқ назоратини ўрнатиш; ҳокимиятнинг вакиллик органларини шакллантиришда кўп-партиялик;

адолат — ҳар бир фуқаро ўзидаги яратувчилик имкониятларини рўёбга чиқариши учун тенг шароитлар; кишиларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши таъминлаш; барча мансабдор шахслар ва фуқароларнинг Конституция ва қонунларга оғишмай риоя этиши.

«Ватан тараққиёти» партияси юқорида баён этилган ғоялардан келиб чиқиб ҳар бир оиланинг турмуш фаровонлигини сезиларли даражада ошириш учун курашади.

«Ватан тараққиёти» партияси сиёсат соҳасида ўзининг бутун куч-ғайрати ва имкониятларини ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлатни мамлакатнинг бундан кейинги узқисиз ривожланиши кафолати бўлган кучли жамиятга айлантиришга йўналтиради.

Партия қуйидагиларни ўзининг асосий вазифаси деб билади:

— ҳокимиятнинг марказий, маҳаллий органлари билан жамоат ташкилотлари ўртасида ваколатларни тенг тақсимлаш, бунинг учун марказнинг бир қатор ҳуқуқлари ва ваколатларини изчи-

ликни ҳам юқори босқичга кўтарувчи ишончли омил сифатида тиклашга интилади.

Иқтисодий соҳасида «Ватан тараққиёти» партияси қуйидагиларни асосий вазифа деб билади:

— хусусий мулк ва ундан оқилона фойдаланишнинг аҳамияти ниҳоятда катта, демократия эса хусусий мулк ва эркинлик қарор топган жамиятдагина ўрнатилади, деган тамойилни амалда рўёбга чиқариш, хусусий мулкнинг ҳаётдаги ва ишлаб чиқаришдаги устувор мавқеини таъминлаш;

ЎЗБЕКИСТОН «ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ» ПАРТИЯСИНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

лик билан маҳаллий органлар ва жамоат ташкилотларига ўткази бориш;

— давлат ҳокимияти вакиллик, ижро этувчи ва суд бўғинларига ҳақиқий, чинакам бўлинишига эришиш ва уларнинг мустақил фаолият кўрсатиши таъминлаш, ҳокимият бўғинларидан ҳар бирининг Конституция ва қонунларимиз қоидалари ҳамда талабларига қатъий риоя этиши;

— барча фуқароларнинг қонун олдида тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, яъни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг амалдаги тизимини юксак даражада ривожланган демократик давлатлардаги даражага кўтариш, инсонни сиёсий лоқайдлик психологиясидан ҳалос этиб, уни сиёсий ҳаётнинг фаол қатнашчисига айлантириш.

«Ватан тараққиёти» партияси ўтган давр ичида қабул қилинган қонунларни ишлаб чиқишдаги ўз иштирокини ижобий деб билган ҳолда бу қонунларнинг ижро этилиши қўйлаётган талабларга жавоб берадими деб ҳисоблайди, ўзининг бу соҳадаги фаолиятини эса қониқарсиз деб билади, қонунларни ижро этиш механизмини ишлаб чиқиши, қабул қилинган қонунлар жамиятда ижобий ўзгартиришлар қилишга қаратилганини ҳар бир фуқаронинг онига етказиши ўзининг бу соҳадаги асосий вазифалари, деб қарайди.

Партия ҳар бир оила ўзи учун энг камида ўртача турмуш даражасини таъминлайдиган хусусий мулкка эга бўлишга ҳақли деб ҳисоблайди ва мулк дахлсизлигини кафолатловчи, мулкдорнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этилишини таъминловчи механизмларни такомиллаштириш зарур, деб эътироф этади. Партия ана шундай механизмларни яратиш ва уларни амалга оширишга қаратилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол қатнашади.

Халқро муносабатларда «Ватан тараққиёти» партияси тенг ҳуқуқлилик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, яхши кўшничиллик асосий омиллар, деб билади. «Буюк ипак йўли»ни тиклашга Ватанимиз тараққиётининг гарови сифатида қарайди. «Буюк ипак йўли»ни фақат Марказий Осиё мамлакатларини, Тинч, Атлантика ва Ҳинд океанлари минтақаларини туташтирувчи ва бирлаштирувчи коммуникация воситаси сифатидагина эмас, балки иқтисодий-савдо соҳалари қатори сиёсий ва маданий ҳамкор-

— солиқ солиш тизимини иқтисодийни ривожлантиришнинг асосий воситаси сифатида тубдан такомиллаштириш;

— ишсизликнинг бош сабабчиси иш жойларининг етишмаслигида эмас, балки аҳолининг мустақил тарзда тadbirkorлик қилишига тайёр эмаслигида, шунингдек, жамиятда илғор меҳнат бозори муносабатларининг ривожланишига ҳалақит қилувчи сабаблар мавжудлигида деган нуқтаи назардан келиб чиқиб, кичик ва оилавий тadbirkorликни йўлга қўйиш учун барча имкониятларни ишга солиш ҳамда тadbirkorлик учун имкон қадар энг қулай шароитларни яратиш;

— иқтисодийнинг самарали ривожланиши уни ҳаракатлантирувчи кучларнинг юксалишига боғлиқ эканлигини ҳисобга олиб тегишли тармоқларни ривожлантиришга давлатнинг эътиборини кучайтириш.

«Ватан тараққиёти» партияси юқорида баён этилган тамойилларни амалга ошириш мақсадида ер ислохоти, солиқ солиш тизими, маҳаллий ҳокимият органлари хусусида, кичик ва оилавий бизнесни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, давлат хизматида тааллуқли ва бошқа қонунларни такомиллаштириш ҳамда янги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни Олий Мажлис муҳокамасига киритиш ишларида қатнашади.

агар сиёсат соҳасида «Ватан тараққиёти» партияси кишлоқ хўжалигини мамлакат иқтисодийнинг энг салмоқли тармоғи деб ҳисоблайди, унинг устуворлик ролига асосланади ва қуйидаги вазифаларни амалга ошириш учун курашади:

— ер ислохотини ўтказиш;

— шаҳар ва кишлоқда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўртасидаги нархларнинг номуносивчилигини бартараф этиш;

— кишлоқдаги хўжалик юритувчи субъектларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш ва уларни рағбатлантиришга устувор аҳамият бериш;

— кишлоқда деҳқоннинг асосий сиймо бўлишини таъминлаш;

— деҳқонга хизматлар кўрсатиш соҳасида соғлом ва ҳолис рақобатни шакллантириш.

«Ватан тараққиёти» партиясининг маънавият соҳасидаги сиёсати зиёлилар — мамлакатнинг буюк интеллектуал кучи эканлигига асосланади. Партия бу кучдан оқилона фойдаланишни маъна-

вият соҳасида жамият олдида турган вазифаларни ҳал этишнинг ягона йўли деб билади. Партия фаоллари маънавиятни инсон руҳи ва виждонини поклайдиган, инсонни юксакликка чорлайдиган, унинг ички дунёси, иродаси ва эътиқодини мустақамлайдиган восита сифатида қадрлайди.

«Ватан тараққиёти» партияси ўз амалий фаолиятида биринчи навбатда қуйидаги вазифаларни ҳал этишга эътибор беради:

— маърифатни тарғиб қилиш;

— оила, мактаб ва жамиятда тарбиянинг ўрни ва мавқеини кучайтириш;

— миллий мафкура самарадорлигини ошириш, фозил инсон маънавиятини шакллантириш;

— ёшлар куч-ғайратини катталар тажрибиси билан пайванд этиш;

— инсондаги янгиликка интилишни тарбий қадриятларга ҳурмат билан уйғунлаштириш, н-ги асрнинг дастлабки ўн йиллигини — Ўзбекистоннинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини уташтирувчи ўзига хос кўприкка айлантириш;

— «Ўзбекистон — менинг ўз уйим» ширorni иқтисодий ва маънавий мазмун билан бойити;

— ижтимоий онда турли эътиқоддаги кишиларнинг ўзаро муносабатларида бир-бирларга ҳурмат ва муроа туйғусини шакллантириш;

— «Ватан остондан бошланади» тамойили асосида: шахс — оила — маҳалла — кишлоқ (дах — туман (шаҳар) — вилоят — мамлакат бўғинлари заңжирини мустақамлаш; кишиларда ушбу энжирнинг ҳар бир бўғини учун ифтихор туйғусини шакллантириш.

«Ватан тараққиёти» партияси фаоллари бача ватандошларга мурожаат қиладиларки, халқ д-ди билан яшовчи, эл ва юрт учун жон қуйдираган чинакам ватанпарварларни Олий Мажлига депутат қилиб сайлаш, Ўзбекистоннинг XXI ср сари дадил кириб бориши ва қудрати ошиши сизнинг, бизнинг ва ҳар биримизнинг бўлажк сайловларда фаол қатнашимизга боғлиқд-р. Зотан:

— ҳар бир сайловчининг муносиб номзод ўн ҳолис ният билан берадиган овози — кучли демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишнинг асоси демократизм;

— пир у бадавлат отахонларимиз ва онахона-римизнинг овозлари фарзандларимиз бахт-содати учун қилинган оқ фотиҳа;

— миллатимиз фаҳри бўлган зиёлилар овози — демократия тимсолидир;

— ака-укаларимиз ва опа-сингилларимиз бп-миш ёшлар овози — Ватанимизнинг гуллаб-янаши, эркин, демократик, адолатли жамият бў-по этиш кафолатидир;

— тadbirkorлар овози — мамлакатимизнинг иқтисодий равнақига қўшилган хайрли ва бажа-кали ҳиссадир;

— хизматчилар овози — тинчлик ва фаровен-лик учун амалий маддидир;

— аҳолининг энг хабардор ва фаол қатлаи бўлган оммавий ахборот воситалари ходимларининг овози — алоҳида салмоққа эгадир.

Ҳурматли сайловчилар! Партияимиз ва Сизлар сайлаган депутатлар сизнинг олдингизда ҳар ва-қт ва ҳар қачон ҳисоб беришга тайёрдир!

Партияимизнинг кучи ўзининг ҳақлигига ишонадиган, оқ-қорани яхши танийдиган сиз каби инсонлардир. Партияимиз раънақи учун сизлар ҳамиша бардам ва бахтли бўлинг, сизларнинг бахтингиз учун эса меҳрингиз ва ҳурматингизга сазовор бўлган партияимиз фаоллари омон бўлсин!

Партия — Ватан учун, Ватаннинг тараққиёти учун!

ҲАЯЖОНЛИ ДАМЛАР

Миробод туманидаги 214-мактабга жойлашган 195-сайлов участкасида ҳам бўлажк сайловларга қизгин тайёргарлик кўрилмақда.

Участкага ташриф буюрган сайловчининг эътиборини тортдиган жойга сайловлар тўғрисидаги плакатлар илинган. Сайловчилар учун ажратилган хона барча керакли жиҳозлар, адабиётлар билан таъминланганининг гувоҳи бўласиз. Деворларга ташвиқотчилар ва навбатчилар рўйхати илб кўйилган. Бу сайловчиларнинг қайси вақтда, кимларга мурожаат этишлари учун қулай имкониятлар яратади.

Бизнинг сайлов участкамизда 2350 та сайловчи ўзлари танлаган ва ишонган номзодлари учун овоз берадилар, — дейди участка сайлов комиссияси раиси Малика Ҳозиева. — Участкамизга жуда кўплай сайловчилар ўз саволлари, фикр-мулоҳазалари билан келмоқдалар. Ташвиқотчи ва навбатчиларимиз сайловчиларни қизиқтирган саволларга адабиётлардан, кундалик газета ва журналлардан фойдаланиб жавоб берадилар.

Участқада фаолият кўрсатётган тарғиботчилар сайлов тўғрисидаги қонунларни пухта билладиган кишилардан тузилганлиги таш-

риф буюрган сайловчиларни мамнун этмоқда. Навбатчилар телефон орқали ҳам маълумотлар берадилар. — Илк бор овоз бераётганим учунми, бироз ҳаяжонданам, — дейди участкада номзодлар рўйхати билан танишаётган Дилафрўз Қосимова. — Бу ерда сайлов тўғрисида батафсил маълумот олодим. Номзодлар билан бўладиган учрашувга эса ўзим сингари биринчи бор овоз бераётган тенгдошларим билан бирга қатнашаман ва албатта, дастурдан ёшлар тўғрисидаги, уларнинг муаммолари ҳақидаги фикрлар ҳам ўрин олган номзод учун овоз бераман.

— Энг муҳими, — дейди сайловчи, республика миқёсидаги шахсий пенсионер Турсунбой Ортинхўжаев, — номзодларнинг муносибларига, халқ ишончини оқлайдиганлигига овоз беришдир. Бу ҳуқуқ биз сайловчиларга берилган. Халқ ишончини оқлайдиган номзод — унинг тақдирини, келажагини аниқ ва равшан кўрмоғи лозим. Биз ана шундайлар учун овоз берамиз.

Шарифа ИЛҲОМОВА.

1999 Сайловлар Олдида 2000

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловларга 11 кун қолди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига 46 кун қолди.



ПУХТА ТАРАДДУД

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги Талаблар шаҳарчасига жойлашган 284-сайлов участкасида бўлажк сайловларга тайёргарлик ишлари кўнидагидек олиб борилмақда.

Ушбу сайлов участкаси йўриқномада кўрсатилган барча талабларга жавоб берадиган тарзда жиҳозланганлиги билан эътиборни тортади. Участқанинг 15 кишидан иборат аъзолари сайловларнинг муқобиллик ва демократик тамойиллар асосида ўтишида муҳим ҳисса қўиши ниятида меҳнат қилишмоқда.

Шуниси эътиборлики, сайлов комиссиясининг аъзолари ҳафтанинг ҳар чоршанба ва жума кунлари қилинган ишларни муҳокама қилиб, галдаги вазифаларни белгилаб оладилар. Бу, ал-

УЧАСТКАЛАРДА ТУШУНТИРИШ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Яқинда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош қармаси Ёнғиндан сақлаш бошқармаси ходимлари шаҳримиздаги барча сайлов участкаларининг ёнғин хавфсизлиги ҳолати текширишди. Бу ҳақда бизга шаҳар Ёнғиндан сақлаш бошқармасининг давлат ёнғин назорати бўлимининг назоратчиси, ички хизмат катта лейтенанти Феруза Саъдуллаева қуйидагича тушунтириш берди.

Бошқармаимиз томонидан сайлов участкаларида ёнғин хавфсизлиги чоралари тўғрисида махсус йўриқнома ишлаб чиқилган бўлиб, ундан ёнғин хавфсизлигига риоя этиш бўйича зарур бўлган барча қонун қоидалар ўрин олган. Жумладан, йўриқномага кўра ёнғиннинг олдини олиш мақсадида сайлов участкалари II даражали ўтга чидамли ва икита ташқарига ёки зинапоёга қиқиш йўли бўлган хоналарга жойлаштирилади, кўтқариш йўллари деворларини безаш учун ёнувчи қопламалар ишлатилмайди...

Шаҳримиздаги барча 670 та сайлов участкаларининг кўпчилигида бу борадаги аҳвол яхши, барча керакли анжомлар ва воситалар мавжуд. Лекин Бектемир, Сергели, Чилонзор, Мирзо Улўғбек туманларидаги айрим сайлов участкаларида камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Жумладан, Сергели туманидаги 303-сайлов участкаси 11-спорт мактабига жойлашган. Ушбу бинода электр симлари ҳимоя қобилигини қаршилик қулчари лаборатория усули билан текширилмаган. Кимёвий таркиби эскирган ўт ўчириш ан-

жомлари янгиланмаган. Электр симларининг тарқатиш қутилари қопқоқлар билан ёпилмаган.

Бектемир туманидаги туман марказий шифохонасида жойлашган 66-сайлов участкасида ҳам текширув чоғида юқоридаги камчиликлар билан бир қаторда ёнғин тўғрисида хабар берувчи автоматик мосламалар таъмирланмагани, ёнғинга қарши ўт ўчириш мосламалари пештахталари керакли анжомлар билан тўлдирилмаганининг гувоҳи бўлиди.

Ҳамза туманидаги темир йўллар лицейида жойлашган 352-сайлов участкасида эса бирламчи ўт ўчириш воситалари етарли эмас.

— Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида қандай чора-тadbirkorлар кўриляпти?

— Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақрирлар берилди. Баъзи мансабдор шахсларга маъмурий жазо қўлланиб, улар жаримага тортиди.

Барча сайлов участкаларига йўриқномалар, рангил кўрсатмалар тарқатилди. Айни кунларда участка аъзолари ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмақда.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

Бизнинг мўъжизаларга бой асри- мизда ҳар бир инсон икки улуғ мактабнинг шоғирди бўлади. Бунинг биринчисидан кўпроқ одоб-ахлоқ, тарбия оласа, иккинчисидан эса илм-маърифат кўзда тутилади. Ҳаётга келган чақалоқ ота-она меҳри, ҳаётнинг нафаси билан ўсиб оёққа туради. У биринчи ҳаёт мактабини аввало оила муҳитидан олади.

Барно Дадашева ҳам ёшлигидан ана шундай оила муҳитида ўсиб, улғайди. Ёш Барнонинг қалбига мактабда ўқиб юрган чоғлариданок ўқитувчилик касбига меҳр уйғонди. Чунки у ўқитувчи ва мураббийлар оиласида улғайиб, вояга етди. Бу касбга ҳавасни аввало буvasи, таниқли педагог Тоир Дадашев уйғотган бўлса ажабмас. Тоир ака кўп йиллар мактабда ўқувчиларга сабоқ бериб, кейинчалик илмий мудири, директор, туман ва шаҳар халқ таълими бўлими мудири лавозимларида фидойилик билан меҳнат қилиб, эл хурматиға сазовор бўлган инсонлардан. Бу оилани ҳақиқий муаллимлар сулоласи десак тўғри бўлади.

— Ҳа, ҳақиқатан оиламиздаги ўқитувчилар сулоласининг бири мен эканимдан фахрланаман, — дейди Барно Дадашева. — Бувимлар ҳам кўп йиллар мураббий бўлиб ишлаганлар. Отамлар Шуккур Дадашев мактабда она тили ва адабиёт фанидан ўқувчиларга дарс бериб, кейинроқ илмий мудири, директор, Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлими мудири бўлиб меҳнат қилганлар. Отам нафақат педагог, балки улар болаларнинг севиқли шоири ҳам. «Бувиимнинг эртақлари», «Қалб нидоси» номи китоблар муаллифи. «Мўъжаз Ватан» номи достонлари учун ўтган йили муносиб тақдирландилар. Яқинда уларнинг шеърларидаги устозлари — отамлар доим фах-

рланиб юрадиган халқимизнинг севиқли шоири Абдулла Орипов сўз бошиси билан «Жонимда яшайди Ватан» китоблари чоп этилди. Отам доим биз фарзандларга: «Муаллимлик касби мисли булоққа ўхшайди. У ўзгалар ташналигини қондиради. Болаларга ҳамиша ширин муомала, меҳр керак. Бу касбга инсонни мажбур қилиб йўналтириб бўлмайди. Ўқитувчилик касбига юракдан меҳр қўйиб, болаларни жони дилинг билан севмасанг, ус-

ри мактабдаги синф раҳбари Тўлқин Хайдаровни учратиб қолди. Барнонинг гапларини эшитган устози унга: «Сен албатта ўзинг ўқиган, билим олган мактабга бор. Ахир мактабнинг ўз уйинг, устозларинг ота-онангдек меҳрибон ва азиз-ку» деб маслаҳат берди. Барно устози гапларини ерда қолдирмай, тўғри ўзи ўқиган Х. Абдуллаев номи 193-мактабга ишга жойлашиб, бошланғич синфларга дарс бера бошлади. Мактаб жамоаси уни

ди. Мана шу йил Барно биринчи синфдан ўқитган ўқувчиларини юқори синфга ўтказиб, улар билан хайрлашиб атрафасида «Ёшликда олинган билим — тошга ўйилган нақшдир» деб номланган тадбир ўтказди. Бу тадбир болаларнинг биринчи синфдан ҳозиргача олган билимлари, ўтказилган тарбиявий соатлар натижалари қизиқарли саҳна кўринишларида наъмоний қилинди. Ўқувчилар кечани уч тилда олиб боришди. «Шолғом» эртагини инглиз тилида сахналаштириб, яна уч тилда устозларга бағишлаб шеърлар ўқийди. Ўқувчиларнинг устозлари билан хайрлашишлари осон бўлмади. Ўз фарзандидек бўлиб қолган болаларнинг нигоҳидаги меҳр ва ҳаъжонни кўриб Барнонинг ҳам кўзига ёш келди.

Жони дили билан севган ўқувчиларининг ҳар томонлама илмий бўлишлари учун дарсларни қизиқарли ўтказиб, уларнинг ҳалол ва меҳнатсевар бўлишлари учун тиним билмай меҳнат қилди, изланди. Меҳнат инсонни улғайди. Барно Дадашева ҳам ўз меҳнати, одоби, хушмуомалиги билан нафақат ўқувчилари, балки мактаб жамоасининг ҳам хурмат-эътиборига сазовор бўлди. Шунинг учун унинг Зулфия номидаги Давлат мукофотиға номзоди кўрсатилди. Бу қувончи хабарини эшитган Барно ниҳоятда севиноб, ҳамкасблари орасида «Шонингизни оқлашга ҳарақат қиламан, раҳмат сизларга» деди камтарлик билан.

Ўқитувчилар сулоласининг давомчиларидан бири бўлган Барнонинг келажақда буvasи, ота-онаси сингари ҳақиқий устоз даражасига эришиб, Ватан, юрт равнақи йўлида хормай-толмай ўқувчиларни ҳар томонлама етук, баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, таълим беришиға ишончимиз қомил.

Дилором ИКРОМОВА.

Зулфия номидаги Давлат мукофотиға номзодлар

ИБРАТЛИ СУЛОЛА ВОРИСИ

«Тоз бўла олмайсан», деб ҳозиргача ўргатадилар. Отамнинг бу гапларини ҳамиша ёдимда сақлайман. Онам Карима Дадашева ҳам 28 йил мактабда ўқувчиларга дарс бериб келдилар. Ҳозир пенсиядалар. Ҳа, оиладаги фарзандлар ҳам бува-бувилари, ота-оналари изидан бориб ўқитувчи деган номни эъозлаб, шу касб эгаси бўлишди. Барнонинг ораси Шахло Абдурахмонова ҳам 193-мактабда бошланғич синфларга сабоқ бериб келяпти. Синглиси Муаттар эса Чилонзор туманидаги 126-мактабда, укаси Лазизжон Дадашев эса расми-чизмачилик фанидан ўқувчиларга дарс бериб келмоқда. Ёш Лазизжон «Нақш алифбоси» номи китобча муаллифи.

Инсон қайси касб эгаси бўлмасин, аввало ўша касбга меҳр қўйиши, тинимсиз изланиши керак. Ана шундангина ўз касбининг моҳир устаси бўлиб, орзуиға эришади.

Барно ўқитиши тугаллаб қайси бир мактабга ишга боришни ўйлаб юрган кезла-

қувонч билан кутиб олишди. Айниқса устозлари — мактаб директори Мунира Алимова, илмий мудири Дилбар Бобомухамедовалар Барноға йўл-йўриқлар кўрсатиб, ўз маслаҳатларини, ёрдамларини аяшмади. У ишга тезда киришиб кетди. Ота-онаси ўргатганидек, ўқувчиларға ўта меҳрибон, ширин сўз бўлиб, уларнинг хурматини қозонди.

Биринчи синф ўқувчиларига дарс бериб, улар билан яқиндан танишиб, ҳар бирининг ўзиға яраша характери, феъл-атвори, дунёқараш билан қизиқиб, ўрганди. Шунинг учун Барно улар билан тезда тил топишиб, яқин бўлиб қолди. Ёзишға қийналган ўқувчиларининг эринмай қўлларидан ушлаб ёзишға, ҳарф танишға қийналганларини эса қайта-қайта ўқитиб ўргатишға ҳарақат қилди. Тинимсиз меҳнатлари зое кетмади. Меҳр қозониш инсонға қанот беради. Меҳр билан ўтказилган қўнат албатта қўқаради, деб беҳиж айтилмаган. Шунинг учун Барно Дадашева таълим бераётган ўқувчилар иқтидорли ўқувчилар ҳисобланиша-

Маълумки, кўҳна Турон зами- ни азадан илм-фан ва маданиятнинг гуржирган ўчоқларидан бири бўлиб келган. Бу муқаддас ва табаррук ўлка бағридан номлари абадий барҳайт бўлавиш талай ола- малар, забардаст воқеанамислар, фан олами санъатининг ажойиб порлоқ нолдузлари, халқимиз фах- ри, ифтихориға айланган буюк сар- кардалар етишиб чиққанлар.

Бироқ, ана шундай оламшумул юксалиш-тараққиётлар, XIII аср бошларидан юз берган даҳшатли тўфон — кучли саҳройи мўғуллар тажовузиға дучор бўлиб, барчаси яқсон этилган. Ўша машъум воқеалардан кейин, бир ярим асрдан зиёдроқ вақт давомида яъни, Амир Темур давриға қадар бу улкан мамлакатда қарийб кўзға ташланмаган қайта тикланиш-дек ижобий ўзгаришлар — ислохотлар рўй бермаган.

1268-70 йилларға келиб Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатойхонға суюрғол этиб берилган ерлар (Мовароуннахр) Чингизхоннинг удинчи ўғли, ўқтой хондонига батамом ўтган. У эса ўз навбатида Тяньшаннинг шимоли ва жанубида, Еттисув ва Ўрта Осиёда ҳукмронликни ўрнатган эди. Шундан кейин, ўша янги ўрнатилган музофотларнинг биринчи ҳукмдори Ўқтойхоннинг набираси Қайдухон бўлган. Қайдухон вафот (1301 йил) этгандан сўнг унинг ўрниға Дувахон ўтирган. Ва ниҳоят Кепакхон даврида Чигатой хонлигини мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор иқтисодий ва маъмурий ислохотлар ўтказилган. Кепакхон дастлаб хонлик пойтахтини қўчманчиликдан дехқончилик туманларига кўчириш ташаббуси билан чиқди ва натижада Насаф шаҳрини марказ сифатида барпо этди, уни янги Мўғулистоннинг янги пойтахти деган маънода мўғулча «Қарши» (пойтахт демакдир) деб номлади ҳамда Чигатой хонлигининг муқим қароргоҳи этиб белгилади. Аммо, бу вазиёт унча узоқ давом этмади, мўғул зодагонлари ва харбий бошлиқлари: «Қадимдан буён ота-боболаримиз давом эттириб келган анъаналар; удум, урф-одатлар бузилди. Биз саҳро одамлари эрканмиз, бинобарин ўтроқликдан кўра, кўпроқ қўчманчиликни ихтиёр қилурмиз», деб қарши чиққанларидан кейин Кепакхон пойтахтни яна Мовароуннахрдан аввалги жойларига Или дарёсининг ўнг қирғоғидаги бепеён яйловзорли собиқ Олмаликча кўчиришға мажбур бўлган. Янги ташкил қилинган Мўғулистонда Мовароуннахрнинг ҳукмдори бўлиб Ёсамбуғахоннинг иниси қолган. Натижада Кепакхон бошчилигидаги давлат ўз-ўзидан шарқий Чигатой хонлиги, Ёсамбуғахоннинг иниси бошчилигидаги янги Мўғулистон гарбий Чигатой хонлиги ёки улуси деб атала бошланган.

1346 йилға келиб гарбий Чигатой хонлигини Ёсамбуғахоннинг (у 1330 йили вафот этган) ўғли Тўғлиқ Темурхон эгаллаган. Энди яна Тўғлиқ Темурхонға қайта- диган бўлсак, унинг даврида иккиға

Мозий

ОЙДИН САҲИФА

таҳкамлашда сўзсиз Темурнинг улкан харбий салоҳияти ва ҳар томонлама баркамол истеъдодиға таянмай иш қўриш асло мумкин эмаслигиға кўзи етиб, баҳамжихат ҳамкорликда фаолият олиб боришға розилик билдирган. Ва лекин, эндиликда бахт ва омад Хусайнға эмас, Темурға қулиб боқа бошлаган эди. Қолаверса, қадимдан бор нақлдай, икки қўчкорнинг боши бир қозонда қайна- маслигини Амир Темур амир Хусайнға қатъий кўрсатиб қўйишиға тўғри келган.

Ниҳоят Мовароуннахрнинг узил-кесил оёққа турибгина қолмай, балки, кун сайин кучайиб, қудрати ошиб бориши 1370 йиллари ягона Амир Темурнинг ёрқин сиймосида амалға ошган.

Худди шу ерда Амир Темур ўша даврларда кўп йиллар давомида асоратда қулиб эзилган, топталган, обдон холдан тойган мамлакат фуқароларидан айнаи долзарб бир даврларда ҳамда қисқа фурсатларда бағоят қудратли, душман кучиға қарши чиқа оладиган етарли даражадаги қўшинни тўплаши жуда амри маҳол эди. Шубҳасизки, харбий истеъдоддан ташқари узоқни ҳам кўра билувчи ҳамда ўткир сиёсатдон бўлган Темур бунга яхши билмай, пайқамай қилиши яна ўша давр нуқтаи назаридан қараганда асло мумкин ҳам эмасди, албатта. Шунинг учун у ўз бобокалони Қочувлиннинг эғизак акаси Қобулхон билан қасамёд ила қилган тарихий ёзма «Ахднома»-ларига сўзсиз риоя қилишиға тўғри келган бўлса, иккинчи томондан ҳам қабобни, ҳам сихни қўйдир- майдиган сиёсат олиб борганлигида, Мовароуннахрда давлатни ўз қўлиға олишда Чингизхон тузган низоми бўлиши унинг «Ясоғ»иға мутлақ содиқ қолиши бағоят улкан иш берган. Яъни, асосий харбий кучларға эға мўғул харбий бошлиқларининг иккиланмай Темурға хурмат кўрсатиб байъат билдиришлариға ва натижада унинг атрофиға жиپсла- шилариға олиб келганлигида бўлган. Ундан сўнггина Темур илгаридан ўйлаб қўйган режаларини бирин-кетин амал-

ға оширишға муяссар бўлган. Ва буюк саркарда бўлиб майдонға чиққан. Аммо юқорида қайд этганимиздек, Темур улуг аждодларининг тарихий «Ахднома»-ларига биноан давлат тепа- пасиға келгандан то ҳаётининг охириға қадар ўзини хон деб атамаган, фақат амирлик билан кифояланиб қолган. Шунинг учун у Мовароуннахр тахтиға Чингизхон авлодларидан дастлаб Маҳмудхон исмли шаҳзода- ни ўтказган. Маҳмудхон вафот этгач, иккинчи бир шаҳзода Сюрғотмишхонни қўйган, Сюрғотмишхон ҳам вафот этгач, тахтға бўлак сохта хонларни ўт- казмаган. Бироқ, ўзини ҳам хон деб атамаган. Фақат кейинроқ бориб, Темур сулолалари даврида бу «Ахднома» бузилгани ҳам тарихдан маълум.

Шунингдек, яна бевосита Амир Темур аждодлари тўғрисидаги ойдин саҳифалар қўйидагилардан дарак бери- шини кўрамыз. Жумладан, унинг тўр- тинчи бобоси Қорачор нўён Чингиз- хоннинг амакиваччаси бўлиб, у Чин- гизхоннинг энг ишонган, суюнган ки- шиси, ўнг қўли ва давлат ишлариға ҳам аралаша оладиган шахс эди. Мана шунга кўра ягона унинг ташаббуси билан давлатда «... бор «Мучил- ка» яъни, «Тилхат» олиш қ. унинг жо- рий эттирилгани ҳам тарихда кўрсати- лади. Чингизхон вафотидан (1227 йили) кейин у, Чингизхоннинг иккин- чи ўғли Чигатойхонда олиий бош қў- мондон ва бош маслаҳатчи бўлиб қол- ган. Чигатойхон ўзининг янги улуси- даги Қашқадарь ерларини унинг тўн- гич ўғли Йийжил нўёнға суюрғол этиб берган эди. Бироқ, Йийжил нўён ўша янги мулкиға келиб яшаган-яшамаган тўғрисида манбаларда кўрсатил- маган. Қорачор нўённинг ўзи 1254 йили 89 ёшида шарқий Туркистонда- ги собиқ Олмалик туманида оламдан кўз юмган.

Энди яна Темур давриға қайтади- ган бўлсак, унинг ҳаъжонға доврўғи кетган давлатида қўлланилган ёзма масалаларға ҳам қисқача ойдинлик киритиб ўтишға тўғри келади. Хусусан, бу давлатда араб имлосидаги форс тили, турк тили билан бир қаторда Чингизхон замонида жорий этилган эски туркий, ўрхун-уйғур ёзу- ви ҳам қўшиб олиб борилар ва бу ёзувлар ўша вақтларда ўз кучини мут- лақ йўқотмаган эди. Мўғулча урф- одат, шунингдек, тил ҳам қарийб сақ- ланган бўлиб, булар маҳаллий тур- кий халқлари тиллари билан бирға қўшиб юритилгани ҳам тарихан сир эмас.

Масалан, Темур 1391 йили Олтин Ўрда хони Тўхтамышхонға қарши юри- ши ҳақида марказий Қозғистондаги «Олтин Чўқ» деган мавзеда харсанг тошға икки тилда ўйиб ёздирилган битик топилган. Бу битикнинг юқори қисмидаги уч сатри арабча, ундан қуйи қисмида амалға оширилган сак- киз сатри ўрхун-уйғур ёзувида битил- ганлиги ва Темур давлатида зарб эт- тирилган тангаларда араб имлосида- ги туркийча ҳамда мўғулча сўзлар аралашган ёзувларни ҳам кўрамызки, бундай ҳол биз юқорида қайд этган фикримизнинг яқол далилидир дейи- шимизға асос бўла олади.

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН.

Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тула- гановнинг қарорига асосан пойтахтимиз- да шу йилнинг 1 ноябидан 1 декабриға- га шаҳар ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ва кўзги қўчат экиш ойлари ўтказилмоқда. Ушбу тад- бир давомида амалға ошириляётган иш- лар хусусида шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси кўкаламзорлаштириш ва су- гурчи бўлими мудири Ботир ОРТИКХУ- ЖАЕВ қуйидагиларни гапириб берди:

— Пойтахтимизнинг барча ҳудудларида ушбу муҳим тадбир муваффақиятли амалға оширилмоқда. Ойликни кўтаринчилик билан ўтказишға нафақат туманлардаги обон- лонлаштириш бошқармалари, балки кор- цона ва ташкилотлар, муассасалар, олий ва ўрта махсус билим юрталари талабалари, мактаб ўқувчилари, хуллас шаҳримизнинг барча фуқаролари кенг жалб этилган.

Айниқса, кузги ҳазонрезги пайтида шаҳар ҳудудига тўпланган ҳазонларни ўз вақтида йи- гиштириш ва олиб чиқиб кетишға алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ҳазонларни ёқмаслик учун ҳар бир туман ҳудудида, жами 23 та

қишки гул қўчатлари ўтқазилди. Айниқса, бу борада шаҳримизнинг Яққасарой, Акмал Икромов, Ҳамза туманларида ибратли ишлар амалға оширилмоқда. Шунингдек, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ободонлашти-

сайловларға ҳозирлик давом этмоқда. Бу бо- рада ободонлаштириш бошқармаси жамоаси ҳам ўз режаларини белгилаб олган. Ҳар бир сайлов участкаси атрофини ободонлашти- ришда, тартибға келтиришда улар ҳам ўз улушларини қўшишмоқда. Шунингдек, да- рахларға шакл бериш, ариқларни тозалаш, маҳаллалар ҳудудини саранжом-саришта қи- лишға алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу ҳафтада қўчат экиш ишлари тўла тугалланади. Лекин шаҳримизни тоза ва кўр- кам сақлаш, яшил либосиға, гулу гиёҳларға бурқаш доимий вазифамиз бўлиб қолавера- ди. Уйлаймизки, бундан шаҳримизнинг хар бир фуқароси манфаатдор ва ўзининг му- ҳим ҳиссасини қўшишға ҳаммиша тайёр. Тош- кентимизнинг кўз ўнгимизда гуллаб-яшна- ши, нафақат ўзинини, балки бу ерға хар қуни ташриф буораётган хорижлик меҳмон- ларни ҳам мафтун этиши, шубҳасиз.

Дилноза ГИЁСОВА эиш олди.

Ободонлаштириш ва қўчат экиш ойлари

БАРЧАМИЗНИНГ ИШИМИЗ

ўралар тайёрланган бўлиб, бу ерда улардан кампост тайёрланади. Бунга барча туманда қатъий риоя қилинади. Ҳар бир туманда кузги дов-дарахлар экиш қизгин тус олди. Шу бугунға қадар 1600 туп манзарали, 900 туп мевали дарахлар, 5000 тупға яқин буталар, 10 минг тупдан ортиқ тирак қўчатлари экиб бўлинди. 400 минг туп

риш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаоллик кўрсатмоқда. Дарах ва гул қўчат- ларини етказиб беришда ободонлаштириш бош бошқармасиға қарашли манзарали боғ- дорчилик ва гулчилик давлат ҳўжалиги хо- димларининг ҳиссаси каттадир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айнаи қуларда ортимизда муҳим сиёсий тадбир —

Шарқ гурдонлари

ОЗ-ОЗ ЎЎТГАНИБ ДОМО БУЛҮР...

◆ Улуғлар айтадиларки, олтита пайтда одам- нинг тили жим бўлмаса, ундай тилнинг борли- гидан кўра соқом бўлмоғи афзалдир.

Биринчи, кўп гапиришда, иккинчи, қасам ичиш- да, учинчи, кишини уялтириб қўядиган беҳуда ҳазил-мўтойиба пайтида, тўртинчи, кишини ёмон- лаб тилға олишда, бешинчи, эркаклар орасида ўзгаларнинг хотини ҳақида гапиришда, олтинчи — ўзини бошқалардан юқори қўйиб, мақтанаш пайтида!

Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР.

◆ Олимнинг либоси бўлмаса ҳам илми унинг айбини яширади.

Олим бўлиб, қулфатда яшаш нодон бўлиб иш- ратда яшагандан афзал.

Олим қайға борса хурмат, нодон қайға борса нафрат қўради.

Илмиға амак қилмаган олим мевасиз даракдир.

Олим билан таши тош, нодон билан ема ош.

Олим одамнинг бир хато билан қадри кетмайди.

Олимнинг сўзи жоҳилнинг олтинидан яхши.

«Аталар сўзлари»дан

◆ Бирор киши сен билан ўтирганда қимир- лаб, у ёқ, бу ёққа қарайверса, билгинки, у сен- га нимадир демокчи бўлиб турган бўлади. Агар бирор олдига бориб узоқ ўтириб қолсанг, ҳақи- ги киши ўрнидан турса ёки бориб кийимини ушлаб қўйса у одам сенинг узоқ ўтирганиндан зерикганини билдиради.

«ФАВОКИХ АЛ-ЖУЛАСО»дан.

◆ **Ушбу тўрт нарса буюкликка далил, Кимда ул бўлса эрур марди асил. Аввало севағай илми жонондан, Тўғри сўзлар, эли қувмас ёнидан.**

Кимда бўлса донишу, ақлу, тамиз,

Илм ила ҳилм аҳлини тутай азиз.

Сен хатолардан ўзингни тут узоқ,

Эй ўғил! Оқил эсанг солғил қулоқ!

Фаридиддин АТТОР.

◆ Ота-онанинг хизматини қилиш ҳар бир фар- зандининг бурчи ҳисобланади. Аммо бу бурч ота- она қачонки фарзанднинг хизматиға муҳтож бў- либ қолганда амалға оширилади.

Фарзанднинг ота-она олдидаги одоблари шун- дайки, фарзанд ота-она нима деса диққат бил- лан қулоқ солади, уларнинг олдиға тушиб юр- майди, нимаики буюрсалар ва буюрган нарсаларида хиёнат ёки гуноҳ иш бўлмаса жону дил билан бажаради. Улар ўтирган жойларидан тур- салар у ҳам ирғиб туради, чақирсалар лаббай деб жавоб беради, ўларни хурсанд қилишға ҳа- миша орзуманда бўлади, уларнинг олдида таъ- зим билан туради, қилган ишларини миннат қил- майди, ота-онанинг қилган ишлари учун аччиқ- ланиб, уларға хўмрайиб қарамайди, уларнинг руҳсатисиз сафарға кетмайди.

Яна бошқа ҳуқуқларининг баъзилари шуки, уларнинг олдиларида одоб билан ўтиради, ечи- ниб ўтирмай, шунга ўхшаш нарсаларнинг ҳам- масида одоб қоидаларини жойиға қўяди.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-ЖОМИЙ.

◆ Яхши хислат жаҳонда олиий мартаба ва юксак даражаға етказувчидир. Аммо бунга ети- шиш воситаси илм ва одоб бойлигидир. Шеър:

Илм саодатға йўловчи машъал,

Жоҳиллик ўлимға бошлар ҳар маҳал.

Китба:

Билим кишиларни улўвор қилар,

Одамдан кетмайди то у ўзгунча!

Олтин, қумуш билан керилма зинҳор,

Бу иззат олтини қумуш турғунча

◆ Ота-она беҳад бўлади хурсанд,

Фарзанди бўлса муносиб фарзанд!

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ.

◆ Кимки илм уруғини сепса, улуглик меваси- ни таради. Ҳасад уруғини сепган эса гам- гусса мевасини таради.

◆ Илм шундай бойликки, у сенинг ақлингни мустаҳкамлайди, хулқингни поқлайди, табиати- нгни тозалаб иззатингни оширади. Илм сенинг ҳаётингға таҳсинға сазовор бўладиган янгилик- лар олиб киради, ёзишға, ижод қилишға, тас- ниф этишға шароит яратади, бу билан эса сени камолға етказиб, умрининг боқий қўлади.

Мустафо ҲОМИЙПОШШО.

◆ **Ҳар ким ҳунар қадри билмаса кўп дод,**

У қуруқ сувартидир, десифат бунёд.

Алафхўр мисоли эмасдир инсон,

Зийраклик, ҳушёрлик пайтида ҳар он.

Ҳар ким ўқимоқдан қилмаса ҳар ор,

Тошдан лавл чиқарар, сувдан дур-заҳар.

◆ **Неға ақли тезлар қилиб беҳушлик,**

Нодонликдан қилди софолфурӯшлик.

Аммо таълим олиб нечалаб нодон,

Ҳоким бўлди етти иқлимға чунон.

